

УДК 37.02

Mukhammedov Laziz Akhmadovich
Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
Ministry of Bukhara Academic Lyceum
teacher

**RELIGIOUS EXTREMISM AND TERRORISM - KUSHANDA OF
SOCIAL DEVELOPMENT**

Annotation: The article discusses the threat posed by religious extremism and terrorism to the development of the state and society in the world, and especially in the Central Asian region, and the main issues of combating it.

Key words: extremism, terrorism, ISIS, sect, Islamic movement, Al-Muhajirun, Akromians, Hizb al-Nasr, Jamaat of Islam.

Мухаммедов Лазиз Ахмадович
внутренних дел Республики Узбекистан
Министерство Бухарского академического лицея
учитель

**РЕЛИГИОЗНЫЙ ЭКСТРЕМИЗМ И ТЕРРОРИЗМ - КУШАНДА
СОЦИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ**

Аннотация: В статье рассматривается угроза, которую представляют религиозный экстремизм и терроризм для развития государства и общества в мире, и особенно в Центральноазиатском регионе, и основные вопросы борьбы с ним.

Ключевые слова: экстремизм, терроризм, ИГИЛ, секта, исламское движение, «Аль-Мухаджирун», «Акромианцы», «Хизб ан-Наср», «Джамаат ислама».

Мухаммедов Лазиз Ахмадович
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Бухоро академик лицейи
ўқитувчиси

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ КУШАНДАСИ

Аннотация: Мақолада дунё ва хусусан Ўрта Осиё минтақасида диний экстремизм ва терроризм иллатининг давлат ва жамият тараққиётига солаётган хавфи ва унга қарши курашнинг асосий масалалари хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: Экстремизм, террор, ИШИД, мазҳаб, ислом ҳаракати, «Ал-муҳожирун», «Акромийлар», «Ҳизб ан-наsr», «Жамоати исломия».

Бугунги мураккаб даврда диний ақидапарастлик ва терроризмнинг дунё хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қатор моддалари (155, 155¹, 155², 244¹, 244², 244³-моддалари)да терроризм, тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик, террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, жамоат хавфсизлиги ва тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш, диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш, диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Бугунги кунда диний экстремизм ҳокимият учун курашда, миллатлараро низо ва сиёсий можароларни келтириб чиқаришда диндан «сиёсий қурол» сифатида фойдаланишда намоён бўлмоқда. Динни ниқоб қилган экстремистик ҳаракатлар жамият ривожига жиддий таҳдид солмоқда. Масаланинг яна бир таассуфли жиҳати шундаки, диний либосларга ўралган террорчи ташкилотларнинг мутлақ кўпчилиги муқаддас ислом динини ўзига ниқоб қилиб олган. Ушбу ташкилотлар ўз фаолиятига кўпроқ ёшларни ва аёлларни жалб қилиб, улардан террорчилик ҳаракатларида фойдаланаётганини қайд этиш лозим.

Тарихдан биламизки, диний экстремистик оқимлар ҳамда террористик ташкилотларнинг ривожланиш тарихи уч босқичга бўлинади: биринчи босқичга XVI-XVII асрларда юзага келган «Равшания» ва «Дини илоҳий» оқимлари; иккинчи босқичга XVIII-XIX асрларда юзага келган «Ваҳҳобийлик», «Оғахония», «Шайхия», «Бобия», «Баҳойлик» ва «Аҳмадия ҳаракати» оқимлари; учинчи босқичга XXXXI асрларда юзага келган «Сохта салафийлик», «Мусулмон биродарлар», «Нурчилар», «Таблиғчилар», «Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий», «Фаластин ислом жиҳод ташкилоти», «Ал-муҳожирун», «Акромийлар», «Ҳизб ан-наسر», «Жамоати исломия», «Ҳизбуллоҳ», «Ҳамас», «Ал-қоида», «Ислом лашкарлари», «Туркистон ислом ҳаракати», «Ислом жиҳодчилар ҳаракати», «Ансор ал-ислом», «Боко харам», «Ислом жиҳоди гуруҳи», «Ироқ ва Шом ислом давлати» («ИШИД»), «Жиҳодчилар» ҳамда бошқа шу каби оқим ва террорчилик ташкилотларини келтириш мумкин. Маълумотларга кўра, ҳозир дунёда 500 га яқин террорчи ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг 80 фоизи муқаддас ислом дини ниқоби остида фаолият юритади. Марказий Осиё минтақасига таҳдид солаётган ғайриқонуний диний оқимларга «Ҳизб ут-таҳрир», «Ўзбекистон (Туркистон) ислом ҳаракати», «Таблиғчилар», «Жиҳодчилар», «Акромийлар», «Нурчилар», «ИШИД» сингари экстремистик гуруҳларни айтиб ўтиш мумкин. Уларнинг асосий мақсади – халифалик давлатини барпо этиш учун замонавий тараққиёт йўлидан бораётган давлатларнинг конституцион тузумини ағдариш, ислом давлатини барпо этиш, жиҳодга бошлаш, ҳокимиятни террор йўли билан бўлса-да эгаллашдан иборат. Масалан, ваҳҳобийлик оқими аъзолари фанатизм ва «муқаддас уруш» – жиҳод тарафдорлари бўлиб, улар ўз қарашлари йўлида ҳатто қариндош-уруғларини, яқинларини ҳам аямаганлар.

БМТ Хавфсизлик кенгаши маълумотларига кўра, «Ал-Қоида» фаоллигининг камайиши ундан-да кучлироқ террорчилик ташкилотлари,

хусусан, «Ироқ ва Шом ислом давлати»нинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. 2014 йил 29 июнда ташкилот раҳбарлари томонидан Ироқ ва Шом (Сурия) ҳудудида халифалик тузилгани ва Абу Бакр Бағдодий халифа этиб тайинлангани эълон қилинди. Кейинчалик, «ИШИД» ўзини «Ислом давлати» деб номлади. Ташкилотнинг бош мақсади ислом шариатини қайта тиклаш ва амалга татбиқ этишдан иборат. Бу йўлда Ироқ, Сурия мамлакатлари негизида сунний мусулмонларнинг ягона давлати – «Халифа»ликни барпо этиб, босқичмабосқич Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари ҳисобига кенгайтириш кўзда тутилган. Кўриниб турибдики, ушбу экстремистик ташкилотларнинг мақсади ва ҳаракатлари муқаддас ислом динининг эзгу ғояларига асло мос келмайди. Аксинча, бу шунчаки, ундан ўз мақсадлари йўлида, кўр-кўрона фойдаланиш, жоиз бўлса, динимизни оёқости қилишдан бошқа нарса эмас. Ислом динида инсон ҳаётини, ақлини, динини, наслини ва мол-мулкини муҳофаза қилиш эътироф этилган. Шундай экан, ўзини юксак маънавиятли инсон деб билган ҳар бир киши эзгуликни ёвузликдан фарқлай олиши, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиши, замонавий таҳдидлар ва мафкуравий бундай хуружларга қарши тура олиши энг муҳим вазифадир.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “Ўзбекистон”. Тошкент. 2019 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Т. 2014 йил.
3. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. – Т., 2000. – Б. 28.
4. Каримов И .А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т., 1999. – Б. 3–13.
5. Закурлаев А. К. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган ғайриқонуний диний оқим ва террорчилик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. – Т., 2010. – Б. 15–21.